

## БОЛАЛАР НОГИРОНЛИГИНИ ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ҳасанова М.И., Шайхова М.И., Файзиева М.Ф., Черных А.М., Турабекова Ш.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Курск давлат тиббиёт университети.

### ✓ Резюме,

*Мақола Ўзбекистонда болалар ногиронлигини таҳлил қилишга бағишиланган. ЖССТ маълумотлари бўйича ногиронликнинг шакланишига олиб келувчи хавф омиллари, ҳамда болалар ногиронлигини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг материаллари кўриб чиқилди. Эпидемиологияси, статистик маълумотлар, интенсив кўрсаткичлар динамикаси, ёшга, нозологик бирликларга кўра болалар ногиронлигининг тузилмаси ўрганиб чиқилди. Мамлакат вилоятлари ва ҳудудлари бўйича болалар ногиронлигининг оғишмай ўсиш сабаблари таҳлил қилинди. Хизмат кўрсатиш фаолиятни тақомиллаштиришининг ўйлари белгилаб олинди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.*

*Калилли сўзлар: болалар ногиронлиги, болалар ногиронлигини таҳлил қилиш, ногиронликнинг олдини олиш бўйича таклифлар.*

## ФАКТОРЫ РИСКА ДЕТСКОЙ ИНВАЛИДНОСТИ И ИХ ПРОФИЛАКТИКА

Ҳасанова М.И., Шайхова М.И., Файзиева М.Ф., Черных А.М., Турабекова Ш.

Ташкентский педиатрический медицинский институт,  
Курский государственный медицинский университет.

### ✓ Резюме,

*Статья посвящена анализу детской инвалидности в Узбекистане. Проведен обзор факторов риска формирования инвалидности по данным ВОЗ, а также законодательства Республики Узбекистан, регламентирующего детскую инвалидность. Изучены эпидемиология, статистические данные, динамика интенсивного показателя, структура детской инвалидности по возрастам, нозологическим единицам. Проанализированы причины неуклонного роста детской инвалидности по областям и регионам страны. Намечены пути совершенствования работы службы и разработаны рекомендации.*

*Ключевые слова: детская инвалидность, анализ детской инвалидности, предложения по профилактике.*

## RISK FACTORS FOR CHILDHOOD DISABILITY AND THEIR PREVENTION

Khasanova M.I., Shayhova M. I., Phayziyeva M.Ph., Chernix.A.M., Turabekova Sh.

Tashkent Pediatric Medical institute, Kursk State Medical University.

### ✓ Resume,

*The article is devoted to the analysis of childhood disability in Uzbekistan. A review of the risk factors for the formation of disability according to WHO, as well as the legislation of the Republic of Uzbekistan regulating child disability, was conducted.*

*The epidemiology, statistical data, the dynamics of the intensive indicator, the structure of children's disability by age, nosological units were studied. Analyzed the reasons for the steady growth of children's disability in the regions and regions of the country. Outlined ways to improve the service and developed recommendations.*

*Key words: child disability, analysis of child disability, proposals for prevention.*

### Долзарблиги

**Б**олалар ногиронлиги, биронта ҳам жамият бўлиб, ҳар бир давлат ўзининг ривожланганлиги, устуворлиги ва имкониятларига кўра ногиронларга нисбатан ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни шакллантиради. Болалар соглиининг оғир бузилиши ҳам ногирон боланинг ўзи ва ҳамда унинг оиласи учун жиддий ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-руҳий мұаммоларни келтириб чиқаради, бу аҳолининг ҳаёт сифатини ва мамлакатнинг ривожланиш темпини пасайтириб, давлатнинг қўшимча воситаларини жалб этишни талаб қилади.

### Текширув мақсади.

Статистик кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш билан болалар ногиронлигининг ўсиш сабаб-

ларини аниқлаш ва уни барқарорлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши

Болалар ногиронлигининг тарқалганлиги:

Болалар ногиронлигини (0-14 ёш) ўрганиш фататина "Касалликларнинг глобал даражадаги муаммоси ҳақидаги маъруза" да олиб борилган, у 95 миллион нафар болаларни (5,1%) ташкил қилиб, улар ичидаги 13 миллиони (0,7%) ногиронликнинг оғир шаклига эга эканлиги баҳоланган.

Хитойда - 4,9%, Буюк Британияда - 2,6% болаларнинг касаллик туфайли имконияти чекланган, Саудия Арабистонида ногирон-болалар 4,3-9,9% атрофидаги кўрсаткичининг регионлар бўйича вариацијасида барча популациянинг ўртача 6,3% ни ташкил қиласи, АҚШ да 12,8% (9,4 млн) болалар "тиббий хизматга маҳсус эҳтиёжи бор бўлган болалар" бўлиб ҳисобланади, камбағал оиласар ва афроамерикаликлар истиқомат қилувчи алоҳида ҳудудларда бу кўрсаткич 23,5% гача ошади, Россия Федерациясида ноги-



рон-болалар, турли баҳолашларга кўра, болалар аҳолисининг 1,5-2,5 дан 4,5% гача, Қозоғистонда - 1%, Ўзбекистонда болалар аҳолисининг 0,99% ни ташкил қилади.

ЖССТ томонидан қабул қилинган ногиронлик тушунчаси 3 қисмдан иборат:

1. Impairments - руҳий, жисмоний ва анатомик хоссалари ва функцияларининг меъердан чекланиши ёки четга оғиши каби етишмовчилиги;

2. Disability - меъёр деб ҳисобланган усул билан қайсиdir фаолиятни амалга ошириш қобилиятининг чекланганлиги ёки йўқотилганлиги;

3. Handicap - жамият томонидан тақдим этиладиган хизматлар ва имкониятларда намоён бўлувчи ижтимоий кўрсатмалар билан ўзаро тъясир натижасида олинадиган ижтимоий дезадаптация, муваффакиятсиз ёки секинлашган социализация

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳақида" ги Қонуннинг 3 моддасида (2009 й.) қуидагилар келтирилган:

Ногирон болалар - жисмоний, руҳий, ақлий ёки сенсор бузилишлар мавжудлиги сабаб ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги билан боғлиқ бўлган, қонун билан ўрнатилган тартибда ногирон деб тан олинган ва ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтоҷ ҳисобланмиш 18 ёшгача бўлган шахслар.

Болалар ногиронлигининг хавф омиллари (ЖССТ маълумотлари бўйича)

Ижтимоий-гигиеник омилар орасида белгиланади:

о камбағаллик

о аёллар меҳнат шароитининг ноқулайлиги

о оила тиббий фаоллигининг пастлиги

о соглом турмуш тарзини кечиришга имкон берувчи нормал шароитнинг йўқлиги. Оила ва унинг аъзоларининг соглиғи 40-50% га айнан ҳаёт тарзи билан аниқланади.

о руҳий-ижтимоий стресс

о норационал овқатланиш

о жисмоний фаолликнинг пастлиги

о зарарли одатлар. Алкоголизм ва наркоманиядан азият чекувчи ота-оналарда, соглом оиласардагига нисбатан, аномалиялар билан туғиладиган болалар фоизи анча юқоридир.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари: Болалар ногиронлигини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий хужжатлар:

- "Фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш ҳақида", 1996

- "Болалар хуқуқини кафолатлаш ҳақида", 2008 й  
- 11 июл 2008 йилдаги "Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаланганлиги ҳақида" (янги таҳрир)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори:

"ПФ-5270 "Ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида"

- 25 декабр 2017 йилдаги ПФ-3440 "2018-2022 йиллар даврида болаларда тугма ва наслий касалликларни эрта аниқлашнинг давлат дастури ҳақида"

Қарорлар ва бўйруқлар

"28.03.2018 й. дан 210-сонли ПКМ "Ногиронлиги бор шахсларни статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш ҳақида"

"9.03.2018 йилдан 190-сонли ПКМ "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳақида"

- 2009 й. даги "16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб тан олиш ҳақидаги тиббий хulosани бериш тартиби ҳақида низомни тасдиқлаш" Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирлигининг қарори


- 2009 й. "16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб тан олиш ҳақидаги тиббий хulosани бериш тартиби ва ногирон болаларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ҳақида" ССВ бўйруғи

- 2010 й.даги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ногиронларнинг тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитациясининг самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида" ги 307-сонли Қарори

"10.07.2013 й. даги Ўзбекистон Республикаси соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг "Болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида" ги 225-сонли бўйруғи, унга мувофиқ 18 ёшгача (17 ёш 11 ой 29 кун) бўлган болаларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги тизимининг соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий ёрдам бепул амалга оширилади.

"10.09.2014 й. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги "ОИВ билан чақириладиган касалликларнинг тарқалишига қаршилик кўрсатиш ҳақида" 256-сонли Қарори


#### Болалар ногиронлиги кўрсаткичларининг динамикаси



Бу кўрсаткичнинг динамикадаги таҳлили 2016 йил билан таққослаганда унинг бутун Республика бўйича 12,5% га ошганлигини намойиш қилди. Болалар ноги-

ронлиги кўрсаткичининг ошиши республиканинг барча вилоятлари ва регионларида кузатилади.


### 2017 йилга 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ёшга кўра Таркиби



Ёш таркибининг тузилмаси: 8-14 (46%) ёшли болалар энг юқори фоизни ташкил қилди, иккинчи

ўринда - 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар (23%), учинчи ўринда - 6-7 ёшли болалар (16%).

### 2017 йилга болалар ногиронлигининг касалликлар бўйича тузилмаси



Касалликлар бўйича болалар ногиронлигининг тузилмаси:

1 ўринда - асаб тизими касалликлари (28%);

2 ўринда - туғма аномалиялар, деформациялар ва хромосомали бузилишлар (16%);

3 ўринда - руҳий бузилишлар ва хулқнинг бузилиши (13%);

4 ўринда - суяқ-мушак тизими касалликлари (9%);

5 ўринда - кўз касалликлари (8%);

6 ўринда - қулоқ касалликлари (6%).

Бутун Республика бўйича ногирон болаларни таълимга жалб қилиш 86% ни ташкил қилди, улардан 56% болалар умумтаълим муассасаларида, 18% и уйда, 12% - ихтисослаштирилган муассасаларда таълим олади. 14% болалар тиббий-педагогик комиссия томонидан таълим олишга нолойиқ деб топилган. Болалар-

ни таълимга жалб қилинганинг энг юқори фоизи Сирдарё ва Андижон вилоятларида- 94%, энг паст - в Бухоро (77%) ва Самарқанд (78%) вилоятларида кузатилади. Охирги 5 йил ичida болаларни таълим олишга жалб қилиш динамикаси ўрганилганда ўзгариш аниқданмаган.

Аввалги йиллар билан таққослаб кўрилганда, ҳисобга олинган ногирон болалар сонининг ошиши қўйидагилар билан боғлиқ:

- Тирик туғилган чақалоқларнинг Халқаро мезонларига ўтиш билан;

- кам вазнили болаларни парвариш қилиш билан (оқибатда ногирон бўлиб қолувчи);

- "ОИВ билан чақирилган касалликларнинг тарқалишига қаршилик кўрсатиш ҳақида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш бўйича чора-



тадбирлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 10.09.2014 й. 256-сонли Қарорига мувофиқ ОИВ-инфекцияси ташхиси қўйилгандан сўнг болаларни дарҳол ҳисобга олиш билан;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва ишонч телефонлари, Халқ қабулхоналари ишининг фаолияти билан;

- ногирон болалар хуқуқларининг кенгайтирилиши билан.

Болалар ногиронлигининг олдини олиш бўйича таклифлар:

- ногирон болаларни реабилитация қилиш инди-видуал дастурининг стандартини ишлаб чиқиш;

- реабилитациянинг индивидуал дастурини бажаришга услугий ёндошишининг бирдамлиги ва мақбуллигини аниқлаб берувчи меъёрий-услубий хужжатни ишлаб чиқиш;

" ушбу дастурларда ногиронлар ва уларнинг оила аззоларининг ҳар томонлама иштирокини таъминлаш;

- тугрүқ муассасаларида муддатига етмай туғилган ва кам вазнили болаларни парвариш қилишни тақомиллаштириш;

- муддатига етмай туғилган ва кам вазнили болаларнинг диспансеризациясини амалга ошириш ва органик патологиянинг шакланишини олдини олиш учун эрта аралашувни бошлаш;

- республика регионлар ва вилоятлари бўйича ногиронликнинг ривожланишини олдини олиш учун эрта аралашув хизматини ташкил қилиш;

- патологик жараённинг сурункали шаклга ўтишини олдини олиш ва касалликнинг оғир оқибатларини минималлаштиришга йўналтирилган стандартлаштирилган профилактик ва даво технологияларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

- ногирон болалар реабилитациясини тақомиллаштириш учун халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Ш.Т.Искандарова, Г.А.Джалирова, Ш.М.Курбанова, Д.Р Зуппарханова - Медицинская реабилитация и социальная адаптация инвалидов. [Meditinskaya reabilitatsiya I sotsialnaya adaptatsiya invalidov. г. Ташкент // Монография. - 2017. 137с. (In Russ)].
- Статистический отчёт по детской инвалидности в Республике Узбекистан за 2017 г. [Statisticheskiy otchet po detskoj invalidnosti v Respublike Uzbekistan za 2017 g (In Russ)].
- Закон "О социальной защищённости инвалидов в Республике Узбекистан", 2009 г. [Zakon "O socialnoy zashishyonnosti invalidov v Respublike Uzbekistan" 2009g. (In Russ)].
- Доклад ВОЗ о глобальном бремени болезней, 2015 г. [Doklad VOZ o globalnom bremeni bolezney, 2015 g. (In Russ)].
- Камилова Д.Н., Смирнова Г.В., Навотный А.Ш., Равные права - равные возможности, Ташкент: SMI-ASIA, 2010, 82 с. [Kamilova D.N., Smirnova G.V., Navotniy A.Sh., Ravniye prava - ravniye vozmojnosti, Tashkent: SMI-ASIA, 2010, 82 с. (In Russ)].
- Баранов А.А., Намазова Л.С., Терлецкая Р.Н. др. Проблемы детской инвалидности в современной России. Вестник Российской академии медицинских наук. 2017;72(4):305-312. [Baranov A.A., Namazova L.S., Terleckaya R.N. dr. Problemi detskoy invalidnosti v sovremennoy Rossii. Vestnik Rossiyskoy akademii medicinskikh nauk. 2017;72(4):305-312.]
- Бурдяк А.Я., Васин С.А., Макаренцева А.О. и др. Инвалидность и социальное положение инвалидов в России - Москва: Издательский дом "Дело РАНХиГС", 2017., 256 с. [Burdyak A.Ya., Vasin S.A., Makarenceva A.O. i dr. Invalidnost I socialnoye polozheniye invalidov v Rossii - Moskva: Izdatelskiy dom "Deleno RANHiGS", 2017., 256 c."] [In Russ].
- Census Questions on Disability Endorsed by the Washington Group. [http://www.cdc.gov/nchs/data/washington\\_group/WG\\_Short\\_Measure\\_on\\_Disability.pdf](http://www.cdc.gov/nchs/data/washington_group/WG_Short_Measure_on_Disability.pdf)
- UN Convention on the Rights of Persons with Disabilities. United Nations. <http://www.un.org/disabilities/documents/convention/convoptprot-e.pdf>.
- Абдуфаттаев А.А Медико - социальные аспекты стойкой утраты трудоспособности населения Республики Узбекистан: Авт. Дис. ...д-ра мед. Наук. [Mediko - sotsialniye aspekti stoykoy utrati trudocposposobnosti naseleniya Respublikni Uzbekistan] Avt. dis... dokt. - M., 2004; 29. (In Russ)].

Поступила 09.09. 2019